

БЕТАКРОР ВАТАНИМИЗНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Бугун мана шу гўзал ва мухташам майдонда сиз, азиз юртдошларимиз билан кўришиш, барчангизни, сизларнинг тисолингизда бутун халқимизни биз учун энг улуг ва энг азиз бўлган Ўзбекистонимизнинг Муσταқиллик куни билан чин қалбимиз билан табриклаш – мен учун катта бахт, катта шарафдир.

Муσταқиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бугунлай ўзгартган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Айнан муσταқиллик топталган қадриятларимизни, дину диёнатимизни, ору номуслимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажгимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолажак.

Айнан муσταқиллик шарофати билан мард ва матонатли халқимиз тарихан қисқа даврда амалга оширган оламшумул ишлар туйғайи шаҳар ва қишлоқларимизнинг, бутун мамлакатимизнинг қийфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётгани, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалаётгани, бугун Ўзбекистонимиз замонавий давлатлар қаторига кирраётгани – ўзингиз айтган, азиз дўстлар, муσταқилликка эришмасдан туриб, бундай марраларга этиш мумкинми?

Бунга жавоб битта – йўқ ва асло йўқ.

Бу фикрнинг яққол тасдиғини аввало босиб ўтган йўлимиз ва мамлакатимиз кўйган қадамларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистонимиз иқтисодиёти, жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган инқирозга қарамастан, истиқлол йилларида 5,5 қарадан зийёд ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани ҳеч қандай бефарқ қолдирмайди, албатта.

Мамлакатимиз ер юзидagi энг тез суръатлар билан ривожланиётган давлатлар орасида бугун бешинчи ўринни эгаллагани ва сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳаёти 8 фоиздан юқори бўлиб келётганининг ўзи барчангизнинг ҳаваси ва хайратини уйғотиши табиийдир.

Бугунги кунда дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказларнинг охириги маълумоти бўйича, Ўзбекистон "Бутунжаҳон бахт индекси"да 158 та мамлакат ўртасида 44-погонани, Муσταқил Давлатлар Хамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди ва янги уфқларни забт этишга ундайди.

Биз қўлга киритган ўсиш суръатлари, эришган марралар ва уларга олиб келган сабаблар ҳақида албатта кўп гапирганимиз мумкин. Лекин бу ҳақда сўз юритганда, бундай улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омилли ва мезони

борки, у ҳам бўлса, замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалиб бораётганида намойён бўлмоқда.

Энг муҳими, биз муσταқилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб эски тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, муσταқил фикрлайдиган, ҳаётга янги қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида ёш авлодимизни тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизимни яратдик.

Юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар – камида икки-учта касб-хунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан бешлашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жаҳониятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай беқийёс салоҳиятга эга бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, энгиб бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз қомил.

Азиз дўстларим, юртдошларим! Ҳеч қимга сир эмас – биз юртимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос ҳаёт қуришда шошма-шошарлик, калтабинлик ҳолатларига, пала-партиш ишларга асло йўл қўймадик. Бошқаларга ўхшаб, маррани ким тезроқ эгаллайди, деган мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалардан нухса олмадик, узоқни кўзламайдиган "маслахатчи"-лардан йироқ бўлдик. Энг муҳими, ўз тақдиримизга, келажгимизга энгил-елги қараб, тақлиф этилаётган кредитларга учиб, қарзга ботганимиз йўқ.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳақиқатан ҳам "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган принципга амал қилиб, мақсадимизга эришиш учун босқичма-босқич, эволюцион – тадрижий тараққиёт йўлини маҳкам ушладик.

Чуқур ва пухта ўйланган, машур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида "ўзбек модели" деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдириши мукаррар.

Азиз юртдошлар! Биз олдимизга қўйган олий мақсад, яъни, тараққий толган давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлидаги эзгу ният ва орзу-интилишларимиз барчамизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, ҳаммамизга аёнки, биз яшаётган XXI аср, тез суръатлар билан ривож топаётган глобаллашув жараёнида, интелектуал меҳнат ва Интернет ҳаётимизга чуқур кириб бораётгани, жаҳон бозорида рақобат қурашининг миқёси, кескинлиги ва бешафқатлиги тобора ортиб бораётгани бугунги кунда ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдида ўта муҳим ва долзарб талабларни қўймоқда.

Бугун қимки, қайси давлат ана

шундай ўткир талабларга итоат қилиб, уларга ҳамоҳанг бўлиб яшамаса, ҳеч шубҳасиз, бундай давлат жаҳон тараққиётининг чек-касида қолиб кетиши мукаррар. Ўзбекистонимизда ҳам бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳақимиз йўқ, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки биз ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаганимиз ва кам бўлмаймиз, иншооллох.

Шу борада бизнинг асосий вазифамиз – мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан **иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.**

Бугунги кунда **иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, саноатимизни диверсификация қилиш**, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши лозим.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида **бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида гов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф қилиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини асосланган даражага қадар қисқартиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.**

Азиз дўстлар! Ҳозирги кунда яқин ва узоқ атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар, тўқнашув ва қон тўқнашув, низо ва адоватлар кучайиб бораётганини, мухтастар айтганда, вазият фоят қалтис бўлиб, тобора мураккаб ва кескин тус олаётганини кўрмаслигимиз мумкин эмас.

Бундай ўта таҳликали вазиятда бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомиди, халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя қилиш, юзага келадиган қарама-қаршилик ва низоларни зўравонлик билан эмас, фақатгина тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш ва қон тўқнаш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутди.

Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: **Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз худудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.** Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу тамойилларни, айни шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламан ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Илгари ҳам айтганман – бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу – ўзбек халқининг истаги, бу – ўзбек халқининг мақсади, бу – ўзбек халқининг қароридир.

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан аввало огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимизни ҳимоялаш учун қурашимизни талаб қилади.

Шу мақсадда биз яқин ва узоқ кўшнилариимиз билан тил топишиб, ўзаро дўстона муносабатларни, минтақамизда ҳамкорлик ва ҳамжихатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яқиндан ёрдам ва қўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, димо хайрихоҳ бўлиб келётган хоржий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини, барча чет эллик меҳмонларимизни самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Азизларим, қадрли юртдошларим!

Бир ҳақиқат ҳеч қачон ҳаёлимиздан кўтарилмаслигини истардим. Биз йигирма тўрт йиллик муσταқил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, **бунинг негизидида аввало тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачигидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, муσταқкам иродаси мужассамдир.**

Бугун шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларнинг номингиздан, шаҳсан ўз номимдан меҳнаткаш ва бағрикенг, олижаноб халқимизга таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Оилаларимизни, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан қаровон этиб келётган, дунёдаги энг гўзал, мунис аёлларимиз, опа-сингилларимизга бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Мана шу муаззам майдонда жам бўлган сиз ёшларга, сизлар орқали юртимизнинг барча ўғил-қизларига, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг самимий меҳри ва чуқур ишончимни яна бир бор билдиришмоқчиман.

Ишонманам, барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва муσταқкам ўрин эгаллайсиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, ёртанги кун – келажак сизники!

Азиз ва мухтарам ватандошларим! Мана шу ҳаяжонли, унутилмас дамларда сизларни Ватанимиз муσταқиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, қалбимда, юрагимда бўлган энг гўзал, самимий тилақларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганининг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин! Муσταқиллигимиз абадий бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат муσταқиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Муσταқиллик бу аввало ҳуқуқ – ўз юртининг эгаси бўлиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, озод ва бахтли яшаш ҳуқуқидир.

Муσταқиллик бу – эркинлик. Фикрлаш, сўзлаш, эътиқод қилиш, миллий анъаналарни асраб-авайлаш, касб танлаш, меҳнат қилиш ва орзу-интилишларини амалга ошириш эркинлиги.

Муσταқиллик бу – ўзлик. Ўз қадр-қимматини англаш, аждодларини таниш ва улуғлаш, ўз инсоний шаънини, ор-номусини бандан тутиш, жаҳон ичра ўз ўрнига эга бўлиш саодати.

Муσταқиллик бу бунёдкорлик, инсон меҳнатини қадрлаш, рағбат, эътибор ва яна кўндан-кўн имкониятлардир.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан

айтганда, муσταқиллик, бугунги эркин ҳаёт, бугунги беқийёс имконият ҳар қайси миллат, ҳар қайси авлод тарихида фақат бир марта бериладиган улуг ва ноёб неъматдир.

Шу боис халқимиз Муσταқиллик кунини энг улуг, энг азиз айём, деб билади. Бу тарихий санани катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

2015 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, унга туташ хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона безатиқлар. Гуллар таровати, чироклар шуъласи атрофга ажиб гўзаллик бахш этган.

Рангин байроқчалар майин тебранди. Хушсурат ва хушқайфият одамлар муаззам майдон томон ошиққиди.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хоржий давлатлар элчионалари, халқаро ташкилотлар ваколлатхоналари раҳбарлари ташриф буюрган. Ҳамма бир-бирини байрам билан табриклаб, дилдан суҳбат қурмоқда.

Соат 19:00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовни қарсақлар билан қутиб оладилар.

(Давоми 2-саҳифада)

Аждодлар хотираси унутилмайди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар жараёнида халқимизнинг шаъни, қадр-қиммати, гурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Муσταқид тузум даврида қатагон қилинган юзлаб ватандошларимиз хотираси абадийлаштирилди. Бундай савобли ишлар изчил давом эттирилмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2000 йили пойтахтимизнинг Бўсўз соҳилида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Мажмуа таркибида "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан бунён 31 августни Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонлаш эзгу анъанага айланди.

Ушбу мажмуа мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган юртдошларимиз хотирасига қўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бу ерда аждодлари хотирасини ёд этишга келганлар, айниқса, ёшлар бугунги тинч ва осойишта, тўқин ва фаровон ҳаётга қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар вазига эришганимизни англайди, тинчликнинг, муσταқилликнинг нақадар буюк неъмат эканини теранроқ ҳис этади.

Анъанага мувофиқ, 31 август тонгида "Шаҳидлар хотираси" хиёбониди халқимиз-

нинг озодлиги ва муσταқиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиш маросими ўтказилди. Қурбон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига хурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ватанимиз муσταқиллигининг 24 йиллик шодиёналарни кенг нишонланаётган шу кунларда бугунги озод ва обод кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган аждодларимизнинг хотирасини ёд этар эканмиз, истиқлол туйғайли юртимизда тарихий адолат қарор тоғланга, халқимиз ўтмишдан сабоқ чиқариб, буюк келажак сари дадил интилаётганига, бунда таларуқ қадамжолар катта тарбиявий аҳамиятга эга эканига яна бир бор амин бўлаемиз.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2015 йил 2-3 сентябрь кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади ва Иккинчи жаҳон урушидаги Фалабанинг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимларда иштирок этади.

ҚАЛБЛАРНИ ТУТАШТИРГАН НАВОЛАР

САМАРҚАНД ШАҲРИДА «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ҶУМЎНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ЯҚУНЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали бу йил ўнинчи бор ўтказилди. Қарийб бир ҳафта давомида муаззам Регистон майдонида, «Мўъжиза» ва «Нихол» амфитеатрлари, «Ёшлик», «Сўғдиёна», «Шаб-бод» истироҳат боғлари, Самарқанд, Оқдарё, Жомбой ва Тайлоқ туманларида янраган куй-қўшиқлар мухлислар қалбидан чуқур жой олди.

Довруғи аллақачон оламга ёйилиб улгурган, санъат оламида юксак мавқега эга ушбу нуфузли анжуманининг айнан Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, Самарқанд азал-азалдан маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келган. Бундай бой ва бебаҳо меросга эга бўлган шаҳарлар дунёда кам. Энг муҳими, Самарқанд ана шундай юксак цивилизация намуналари, нодир тарихий ёдгорлик ва обидаларни замоналар оша асраб келаётгани билан ўзига тенгдош бошқа шаҳарлардан ажралиб туради.

Президентимиз раҳнамолигида қадимий ва ҳамisha навқирон, ер юзининг сайқали, Шарқ гавҳари деган таърифу тавсифларга сазовор бўлган Самарқанднинг чиройли чирой кўшиш, унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Муסיқий форум доирасида меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги музейлар, хунармандчилик марказлари ва меҳмонхоналарда фестиваль тарихига оид суратлар, миллий хунармандчилик намуналари ва чолғу асбоблари кўргазмаларини катта қизиқиш билан томоша қилди. Нобэ меъморий ёдгорликлар, бетакрор тарихий обидалар, муқаддас қадимлар зибёрати, истиқлол йилларида бунёд этилган

замонавий иншоотлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Фестивалда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намоёндалари иштирок этди. Қатнашчилар анжуман доирасида ўтказилган илмий конференция, турли маданий тадбир ва бадий кечалар, учрашув ва мулоқотларда, жойларда ташкил этилган Мустиқиллик байрамига бағишланган тантаналарда қатнашди. Улар бир-бирлари билан фикр ва тажриба алмашиб, ижодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

Самарқанд. Регистон майдони. 30 август.

Муаззам майдондаги амфитеатрда халқаро муסיқа анжуманининг тантанали ёпилиши муносибати билан фестиваль иштирокчилари, меҳмонлар ва санъат илосмандлари жам бўлган.

Фестиваль иштирокчилари ва ҳакамлар хайъати мазкур санъат форумининг олам узра донг тарафга тўртган юксак нуфузи ва ўзига хослиги ҳақида тўхталар экан, унинг бу гал ҳам гоёт юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Қатнашчиларга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва самимий меҳмондўстлик учун давлатимиз раҳбарига ва анжуман ташкилотчиларига миннатдорлик



Фестивалнинг бош соврини — Гран-при Хитойнинг «Jiangsu Women's Orchestra» гуруҳига топширилади.

изхор этилди.

«Шарқ тароналари» ўнинчи халқаро муסיқа фестивали голиб ва совриндорларини эълон қилиш фурсати келди.

Фестивалнинг бош соврини — Гран-при Хитойнинг «Jiangsu Women's Orchestra» гуруҳига топширилди.

— Айни дамда дунёда биздан бахтлироқ инсон йўқ, ҳаяжонимизни таърифлашга тил охиш, — деди «Jiangsu Women's Orchestra» гуруҳи аъзоси Жанг Жинг. — Шундай машҳур ва нуфузли халқаро муסיқа фестивалида энг олий мукофотга сазовор бўлганимиздан қувончимиз чексиз. Бу каби хайрли ишларга ташаббус кўрсатиб, санъат ва маданият ривожига алоҳида эътибор қўрсатаётгани, жаҳонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни

мустиқамлашга катта ҳисса қўшаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга чуқур миннатдорлик билдираю. Бу бетакрор ва гўзал саҳнада яна кўшиқ куйлашни ортиқиб қутамиз. Тинчлик, дўстлик ва эзгулик гоғларини тараннум этувчи «Шарқ тароналари» абадий янграйверсин!

Япониянинг «Shamisen» гуруҳи биринчи, Польша ва Эстония вакиллари иккинчи, Коста-рикалик санъат усталари учинчи ўринни қўлга киритди.

Қорақалпоғистоннинг «Айқулаш юлдузлари» гуруҳи ЮНЕСКОнинг махсус совринига сазовор бўлди.

Қатор қўшимча номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди. Маросимда юртимиз санъат ус-

талари ва ёш ижрочилар иштирокида катта концерт дастури ҳамда фестиваль учун махсус тайёрланган 3D форматдаги ранглар шоу-си намойиш этилди. Унда мамлакатимизнинг шонли тарихи, мустиқиллик йилларида буюк аждодларимиз маънавий меросини тиклаш борасидаги ишлар, маданият ва санъат соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар ўз ифодасини топди.

Халқаро муסיқа фестивалининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳодиев, Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Голиб ҲАСАНОВ, ЎЗА махсус мухбирлари.

Хироюсу КОБАЯШИ, «Мин-Он» муסיқа уюшмаси президенти (Япония):

— «Шарқ тароналари» фестивали чин маънода турли миллат ва халқларни бириктирадиган тинчлик анжуманига айланган. Анжуманининг очилиш маросимида миллати, тили, дини ва ирқи турлича бўлган иштирокчи ва меҳмонларнинг санъаткорларни олқишлагани, қўли қўлга бериб бирга рақсга тушгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Самарқанд азалдан Буюк ипак йўлидаги турли цивилизациялар туташадиган муҳим марказ бўлган, санъат ва маданият ривожига бекиёс ҳисса қўшган. Юртингизда муסיқа санъати чуқур тарихий илдизларга эга экани, Амир Темури даврида дунёнинг турли ўлкаларидан келган етук санъаткорлар иштирокида муסיқа анжуманлари ўтказилгани тарихдан маълум. Ўзбек халқи ана шу аъёнларни давом эттириб, миллий санъатини дунёга намойиш қилмоқда.

Гомес Таварес Андре ФИЛИПЕ, созанда (Португалия):

— «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалининг юксак нуфузи ҳақида кўп эшитган эдик. Шу босис ўнда қатнашиш учун пухта тайёргарлик кўрдим. Фусункор ва тарихий Регистон майдони ушбу фестивалнинг асосий саҳнаси этиб белгилангани жуда тўғри қарор бўлган. Зотан, унда қўшиқ куйлаш ҳар бир санъаткор кўнглида ажиб ҳисларни уйғотади.

Анжуманининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов санъаткорларга юксак эҳтиром кўрсатиб, фестивалда иштирок этгани, иштирокчиларни самимий табриқлаб, дил сўзларини изхор қилгани бизни жуда қувонтирди. Бу фестивалнинг нуфузини, Ўзбекистон раҳбарига ва халқига нисбатан ҳурмат-эҳтиромимизни янада оширди.

Халқаро санъат анжумани гоёт кўтаринки руҳда, байрамона шуқудда, жуда муваффақиятли ўтди.

Баҳ Оулд САЛЕК, фестивал ҳакамлари хайъати аъзоси (Мавритания):

— Дунёда санъат соҳасида кўплаб фестиваль ва анжуманлар ўтказилди. Лекин ер юзининг барча қитъаларидан вакиллар қатнашадиган бундай улкан санъат байрами кам. «Шарқ тароналари»да етмишга яқин мамлакатдан келган юзлаб созанда ва хонандалар ўз миллий санъатини намойиш этиши ҳам шундан далолат беради. Фестивалда иштирок этаётганлар учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Турли мамлакат вакиллари бу ерда муסיқа, қўшиқ воситасида бир-бирлари билан яқиндан танишиб, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустиқамлади.

Самарқанд нафақат қадимий, балки замонавий шаҳар сифатида ҳам бизда унутилмас таассурот қолдирди. Миллий ва замонавий архитектура мезонлари асосида бунёд этилган бино ва иншоотлар Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Устад Важаҳат Ҳусайн ХОН, хонанда (Хиндистон):

— «Шарқ тароналари» аллақачон дунё муסיқа ахлининг ноёб мулкига, унда иштирок этиш ҳар бир санъаткорнинг эзгу орузига айланган. Ушбу нуфузли анжуманда иштирок этиш санъаткорлар учун улкан шарафдир. Президент Ислам Каримов фестивалнинг

СЎЗ – ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИГА



САМАРҚАНДИ СОҒИНИБ, БУ ЕРДА ЎТКАЗГАН ГЎЗАЛ ОНЛАРНИ ҚЎМСАБ ҚОЛАМИЗ

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» Х халқаро муסיқа фестивали яқунланди. Унда дунёнинг етмишга яқин мамлакатидан юзлаб санъат намоёндалари, ижодкорлар, бадий жамоалар вакиллари ва меҳмонлар иштирок этди. ЎЗА мухбирлари уларнинг мамлакатимиздан олган таассуротлари, фестиваль ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

тантанали очилиш маросимида анжуман қатнашчиларини «тинчлик элчилари» деб атагани, кўнглимизга ғурур-ифтихор туйғуларини солиш билан бирга, бизни янада улкан ижодий парвозлар сари руҳлантирди. Биз, ижод аҳли бундай юксак эътирофга сазовор бўлганимиздан жуда бахтиёримиз. Фестивалнинг азалдан маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келган Самарқандда ўтказилгани унинг фойдасига фойз қўшди. Зотан, Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида катта ҳикмат бор, ҳар бир қўчаси, майдон ва хиёбонидан салобат, тароват бор. Бу қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарнинг ҳар бир гиштида бунёдкор халқининг буюк истеъдоди ва маҳорати муҷассам.

Футфенг Мастур ПОНИФАТ, «Рачарпрук Мангкла мюзик Бенд» гуруҳи аъзоси (Таиланд):

— Гуруҳимиз аъзолари билан ушбу машҳур фестивалда иштирок этишимиз анчадан буён орзу қилар эдик. Ниятимиз ижобат бўлганидан жуда хурсандим. Муҳташам Регистон майдонида ўз куй-қўшиқларимизни катта ҳаяжон билан ижро этдик. Шундай нуфузли анжуманда иштирок этиш ва ўз миллий санъатини намойиш қилиш ҳар бир санъаткор учун шараф. Иштирокчиларга кўрсатилган эҳтиром ва эътибордан мамнунимиз. Танловни юксак савияда ташкил этигани учун Ўзбекистон раҳбариятига, тадбир ташкилотчиларига самимий миннатдорлик билдираю.

Ўзбекистонда барпо этилган санъат саройлари, маънавият масканлари, муסיқа лицей ва мактабларини қўриб, мамлакатимиз ёшларига ҳавас қилдик. Юртингизда санъатнинг барча йўналишидаги ўзига хос аъён ва мактабларни ривожлантириш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар таҳсинга лойиқ.

Зоран МОСИС, «Балкан Рок» гуруҳи аъзоси, (Словения):

— Самарқандга келишимиз билан «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалининг нечоғли нуфузли ва йирик анжуман эканини чуқур ҳис этдик. Бу каби халқаро анжуманлар халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада мустиқамлашга хизмат қилади.

Регистондек муҳташам, бетакрор ва гўзал саҳнага хеч қаерда кўрмаган эдим. Бу азим майдонда ўзимни гўё эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этдим. Самарқанд қадимий ва замонавий меъморчиликнинг ёрқин кўзгусидир. Халқингиз ўзининг бой тарихи ва бугунги тараққиёти билан фахрланса арзийди.

Лим Кван БУН, созанда (Сингапур):

— «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалининг очилишида Президент Ислам Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлагани давлатингиз раҳбарининг санъатга ҳурмати, санъаткорларга юксак эътиборидан далолатдир. Самарқанд ҳақида кўп эшитган эдим. Бу шаҳар тасаввуримдан ҳам гўзал ва бетакрор экан. Тарихий обидалар кўз қорачиқидек авайланиб, кенг миқёсли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётгани қувонарли. Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маро-

қудрат, жўшқинлик ва бекиёс куч ато этди. Фестиваль асносида Самарқандни қўриш шарафига муяссар бўлганимдан гоёт бахтиёрман. Халқингиз бой тарихининг амалдаги ифодаси бўлган қадимий меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадимларнинг, хусусан, Регистон, Шоки Зинда мажмуаларини Амир Темури мақбараси ва Улуғбек расадхонасини томоша қилиб, ҳайратга тушдим. Бу шаҳар замонавий қиёфаси билан ҳам эътиборимизни тортиди. Кенг ва озода кўчалар, муҳташам бинолар, сервайз сайлгоҳлар, тўкин бозорлар ҳаммага манзур бўлди.

Халлам НОМАНДА, «Voice of Africa» гуруҳи раҳбари (Жанубий Африка Республикаси):

— Ўзбекистон барча соҳаларда улкан салоҳиятга, бой маданий-маънавий меросга, баркамол ёш авлодга эга мамлакат экани ҳақида ўқиган эдим. Мамлакатингизга келиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Африкалик санъаткорлар орасида фестивалга қизиқиш жуда кучли. «Шарқ тароналари» қадимий куй-қўшиқларни асраб қолиш, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини, мамлакатларнинг маданий алоқаларини мустиқамлашга хизмат қилмоқда. Регистон майдонининг салобати ва таровати бизни ҳаяжонга солди. Бу муҳташам саҳна бизни қадим Шарқ оламига олиб киргандек бўлди. Ундаги табиий, ранг-баранг ва ҳеч қаерда учрамайдиган декорация, гоёт сифатли акустика ва илиқ дўстона муҳит гуруҳимиз аъзоларини янги ижодий гоғлар сари илҳомлантирди.

Қалбларга меҳр-муҳаббат, хушқайфият улашувчи бу муқаддас замин — Самарқандни асло тарқ этгимиз келмаепти. Уни соғиниб, бу ерда ўтказган гўзал ва унутилмас онларни қўмсас қоламиз.

Жибба Мади СУБИРА, созанда (Комор ороллари):

— Самарқанд ўйлаганимдан ҳам ҳайратланарли, бетимсол экан. Бу ерда бир вақтингиз ўзда тарихий ва замонавий шаҳарни қўриш мумкин. Кўп аслиқ қадимий биноларни қўриб, узоқ ўтмишга сەҳнат қилсангиз, янги бино ва иншоотлар бугунги давр тараққиёти, фан-техника имкониятларидан далолат беради. Айниқса, фестиваль асосий саҳнасининг Регистон майдонида жойлашгани кишига ўзгача кайфият, жўшқинлик, ҳайрат ва ҳавас бахш этади. Бундай саҳнада куйлаш, рақс ижро этиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Биз шундай имкониятга эга бўлганимиздан бахтиёримиз.

Силвер СЕПП, созанда (Эстония):

— Мазкур йирик фестивалда илк марта иштирок этдим. Миллий аъёнлар ва замонавий руҳини ўзда муҷассам этган ушбу санъат байрами Ер юзидаги турли халқларнинг маънавий олами, орзу-интилоқларини ифода этиб, инсонларни дўстлик ва ҳамкорликка чорловчи эзгулик воситасига айланганига гувоҳ бўлдим.

Фусункор ва қадимий Самарқандга, ўтмиш, бугун ва келажак буюк Ўзбекистонга мафтун бўлдим. Шарқ оламининг ўлмас руҳини, унинг қадимий ва ҳамisha навқирон қиёфасини, бетакрор меъморий ёдгорликларни намоеън этадиган бу шаҳар ва бу ерда яшаётган меҳмондўст ва меҳрибон халқ қалбимдан чуқур ва унутилмас жой олди.

ЎЗА махсус мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.



Сурхонгарё Вилояти

«КАМОЛОТ УЙЛАРИ» ТОПШИРИЛДИ

Термиз шаҳрида 64 хонадондан иборат иккита 4 қаватли «Камолот уйлари» фойдаланишга топширилди.



Ушбу хонадонларга эгалик ҳуқуқини берувчи сертификат ва уй қалитларини топшириш маросимида вилоят ҳокими Тожимурод Мамаримов бу каби рағбат ва эътибор давлатимиз томонидан ёш оилаларни ҳар жижаҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилганини таъкидлади.

— Аслида биз ёшлар эришяётган ютуқлар мамлакатимиз олдидаги фарзандлик қарзимиз, бурчимиздир. Аммо шунга қарамай давлатимиз раҳбарининг оталарга меҳрибонлигидан кўксимиз тоғдек юксалди. Бир нафар фарзандим бор, турмуш ўртоғимнинг қанчалар хурсанд бўлганлигини атаймизми, — дейди қарате спорт тури бўйича Осиё чемпиони Алишер Қиличев.

— Вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан нафақат ёшларни, балки ёш оилаларни ҳам қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратганимиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Анвар Раҳмонов. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 250-сонли қарорига асосан Жарқўрғон, Қилқўрғон туманларида ҳам 128 та ёш оила имтиёзли кредитлар эвазига янги уй-жой билан таъминланди. Бир сўз билан айтганда, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий шартларидан бири ҳам янги ҳаётга қадам қўяётган умидли ёшларимизга муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилган.

Чори ЖУМАҚУЛОВ

Жиззах Вилояти

ЗОМИНДА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Зомин туманида масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Trust electronics» Жанубий Корея корхонаси иш бошлади. Корхонада йилига юз минг дона персонал компьютерларнинг монитор ва дисплейлари тайёрланади.



— Мустиқиллигимизнинг 24 йиллиги биз учун қўшалоқ байрам бўлди, — дейди корхона бош мутахассиси Дилшод Рўзметов. — Жумладан, худудда энг илғор технологияли корхона фаолияти йўлга қўйилди. Келгусида корхонамиз қувватини икки баробарга оширишни мўлжаллаётимиз. Бу эса, ўз навбатида, иш ўринларини 150 тага етказиш учун оми бўлади. Хорижий корхонага ишга олинганларнинг асосий қисмини худуддаги касб-хунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Янги корхонанинг ишга тушиши билан тумандаги сановат корхоналари сони 57 тага етди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ

Самарқанд Вилояти

ҚОРАТЕРИДА ЯНГИ МАКТАБ БИНОСИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари барча шаҳар қишлоқларимизда қад кўтараятган бир-бирдан кўркам шарт-шароитларга эга замонавий ўқув масканлари, спорт иншоотлари, ижтимоий-иқтисодий ҳаёмиётга мўлжал бўлган бинолар мисолида яққол буй кўрсатмоқда.

Оқдарё тумани «Қоратери» қишлоқ фуқаролар йиғини худудда қад ростлаган замонавий мактаб биноси ҳам худудда яшовчи аҳоли ва ўқувчилар учун байрам тўхфаси бўлди. Замон талаблари асосида барпо этилган мазкур ўқув биноси 300 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда туманининг Чоржўй, Пўлатдархон, Найманча, Пахтаобод каби қишлоқларида истикомат қилувчи баркамол авлод вакиллари таҳсил олиш имконига эга бўлишди.

Нуриддин БОЛИЕВ

Хоразм Вилояти

ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ

«Хоразмдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг Урганч тумани марказидаги нон тайёрлаш цехида 17 нафар йигит-қиз меҳнат қилиб, аҳолига 10 турдан зиёд нон махсулотлари етказиб бермоқда.

Истиқлолимизнинг 24 йиллик байрами арафасида корхонага замонавий технологиялар ўрнатилди. Бу билан корхона самардорлиги янада ошади, махсулот ишлаб чиқариш бир неча баробарга кўпайди, сифати яхшиланди. Янги технология ишга туширилган, 15 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Андижон Вилояти

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

КИНОТАҚДИМОТ

ТАВАККАЛ ОТАНИНГ ИБРАТ МАКТАБИ

Вилоят газетасида чўл бошлаган кезларимиз эди. Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштириш ва бу жараёнда деҳқончиликни ташкил этиш давом этарди. Вилоят газетасининг ҳар сонидида чўл ҳудудидидаги қурилишлар, хўжаликлар фаолияти ҳамда ижтимоий соҳага оид мақолалар, лавҳалар, очерклар эълон қилиниши одатий ҳолга айланганди.



ри кун бўйи ишчи кийимида ҳашарнинг энг оғир ишларини бажарган. Халқимизнинг бу удуми ҳеч қандай тарғибот-ташвиҳоти йўқ эди. Деҳқончиликнинг бу кенг қулоч ёйганки, унда иштирак этганлар ўша кунларни ўзига қайфият ва хурсандчилик билан тилларидан туширишмайди.

Сув етиб борган жой, албатта, обод бўлади. Холисона сўз юритсак, Улугнордаги юксалишда сув ҳўжалиги ҳодимларининг меҳнати беҳисоб бўлган десак, асло муболага бўлмайди. Хўжаликлар аро магистрал каналлар, ички суғориш тармоқлари қуриш ва далага етказиш осон кечмаган. Шундай кум барханлари бор эдики, эртаб бурсангиз, ундан асар ҳам қолмаган бўларди. Қўқон шамолининг қучи кум барханларининг бор неча бор жойини ўзгартириб юборганига биз ҳам кўп бор гувоҳи бўлганмиз.

Бундай шароитда деҳқон кўнглини кўтариш борасида биринчи раҳбар ўрнини ҳеч ким босолмасди. Ҳар баҳорда ёшу қари қўлига новда олиб дала атрофларига 12 метр кенгликда сулик чиқарди. Сўнгра баланд бўйли чинор ва тераклар, қайрағочлар ўтказиш қоида тусини олди. Дарахлар ва буталар қўққа интилган сари қўларнинг йўлига ғов солинди. Баҳорда юрагини ҳовучлаб даласида ишлайдиган деҳқонларнинг хотиржам иш-лашлари мумкин бўлиб қолди.

Кимсасиз Марказий Фарғона чўли обод қўшага айланди. Деҳқончилик, чорвачилик ривож топа бошлади. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, борган сари кенг қулоч ёйганки, унда иштирак этганлар ўша кунларни ўзига қайфият ва хурсандчилик билан тилларидан туширишмайди. Сув етиб борган жой, албатта, обод бўлади. Холисона сўз юритсак, Улугнордаги юксалишда сув ҳўжалиги ҳодимларининг меҳнати беҳисоб бўлган десак, асло муболага бўлмайди. Хўжаликлар аро магистрал каналлар, ички суғориш тармоқлари қуриш ва далага етказиш осон кечмаган. Шундай кум барханлари бор эдики, эртаб бурсангиз, ундан асар ҳам қолмаган бўларди. Қўқон шамолининг қучи кум барханларининг бор неча бор жойини ўзгартириб юборганига биз ҳам кўп бор гувоҳи бўлганмиз.

Бундай шароитда деҳқон кўнглини кўтариш борасида биринчи раҳбар ўрнини ҳеч ким босолмасди. Ҳар баҳорда ёшу қари қўлига новда олиб дала атрофларига 12 метр кенгликда сулик чиқарди. Сўнгра баланд бўйли чинор ва тераклар, қайрағочлар ўтказиш қоида тусини олди. Дарахлар ва буталар қўққа интилган сари қўларнинг йўлига ғов солинди. Баҳорда юрагини ҳовучлаб даласида ишлайдиган деҳқонларнинг хотиржам иш-лашлари мумкин бўлиб қолди.

да Таваккал ака ва меҳнат фахрийси, таниқли агротехник олим Обиджон ота Маҳмудов гулистонликларни байрам билан кутлаш учун келишди. Ёшу қарининг Таваккал акага бўлган эҳтирими ва ҳурматини кўриб шу қадар ҳавасимиз келдики, ушбу ҳолат ҳаёлимизда бир умрга муҳрланиб қолди.

“Дўстлик” ва “Эл юрт ҳурмати” орденлари соҳиб бўлган Таваккал Топволдиев ушбу Кексаларни эъзозлаш йилида, Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармони билан олий мукофот – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирландики, бундан барча андижонликларнинг қувончлари тўлиб-тошди.

– Мен шундай инсоннинг шогирди бўлганлигимдан ҳамisha гурурланаман, – дейди меҳнат фахрийси Юсуфжон Стоволдиев. – Комиллик ва солиҳлик йўлида ёш авлодга ҳамон ҳаёт дарсини ўтаётган устозни барча шогирдлари соғинади ва дилдорлар суҳбатларида бўлишни орзақиб кутади.

Кўвончли хўшабар тарқалган захоти Таваккал Топволдиевнинг қишлоғи гавжумлашиб кетди. Қаҳрамонимизнинг ҳамқиллоқларидан бири айтганидек, Таваккал ота бир инсон учун берилган қийинчиликни кўрди. У беш ёшида отадан, ўн беш ёшида онадан қолди. Ҳовлида ўн бир яшар синглиси билан қолиб, рўзгор юкини елкасига олди. Чарноғини китоб ўқиб ёзди. Қишлоқ нурунийларининг сўзларига қараганда, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун курашдан чекинмади. Бу йўлда у ўзида куч-қудрат топа олди. Ана шу куч-қудрат бугун Таваккал Топволдиевнинг ҳаёт йўлини чароғон этиб турибди.

Таваккал ота бугун фарзандлар, набира ва чеваралар оғушида. Қолаверса, беҳисоб шогирдлари ва минг-минглаб фахрийлар даврасининг тўрида эканлиги барчага ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимизнинг Таваккал Топволдиев меҳнатини шу қадар юксакликка кўтаргани эса бунинг тасдиғидир.

Қобилжон АСҚАРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Алишер Навоий номидаги кино саройида “Ўзбекино” миллий агентлиги бюртамаси асосида суратга олинган “Баракасини берсин” номли бадиий фильм тақдироти бўлиб ўтди.



КИНО МУХЛИСЛАРИ УЧУН ЯНГИ ТУҲФА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида санъатнинг барча йўналишлари қатори миллий кинематографияни равнақ топтириш, илоҳ ахлини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали меҳнат қилиш учун барча зарур шароитларни яратиш йўлидаги имкониятлар қамрови тобора кенгайиб бораётди. Бу киножодкорлар зиммасига бадиий жиҳатдан мукамал экран асарлари яратиш, халқимизга тақдим этишдек масъулиятни юклайди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида “Ўзбекино” миллий агентлиги томонидан табарқур ёшдаги инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасида эзгу аънава ва қадриятларимизни акс эттирувчи бир қатор фильмларни яратиш устида қизгин иш олиб борилаётганда.

Истиқлол айёми арафасида тақдим этилган “Баракасини берсин” комедияси улардан бири. Фильм бош қаҳрамонлари Ҳайдар бува ва унинг ҳамсояси Шомирзанин ҳаёти, қўшиллар ўртасидаги муносабатлар орқали кекса авлод вақилларининг мардлик, инсоф-диёнат, ҳалоллик сингари халқимизга хос қасидаларни ўз ишорига айлантирган қизқарқил лавҳалар, ҳаётнинг воқеалар ҳамда завқли эпизодлар ёрдамида очиб берилган.

Мамлакатимизнинг гўзал ва мафтункор табиати, миллий урф-одат ва аъналаримизни намойиш этувчи ушбу картинада Эркин Комилов, Ражаб Адашев, Фарход Абдуллаев, Илмира Раҳимжонова, Тolib Мўминов, Жамила Гофурова сингари актёрлар асосий ролларни ижро этган.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

*Истиқлол нури-ла диллар нурафшон,
Бунга ҳуш ёқимли ҳурлик шамоли,
Аждодлар истаги бўлди намоён,
Озодлик — халқимизнинг бахту камоли!*

Дарҳақиқат, шоир таърифлаганидек, ҳурликнинг ҳуш ёқимли шамолидан, ватандошларимизнинг бахту камолидан диллар нурафшон! Шундай қувончли кунларда барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 24 йиллик айёми билан самимий муборакбод этамиз. Уларга олам-олам шодлик, тани сиҳатлик, оилавий бахт-саодат тилаймиз.

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Санжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80X, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- “Беларусь” тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Махсулот сертификатланган.
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

BELARUS CENTER belarus-tractor.com mtz.uz

[+998 90] 949-39-00
[+998 71] 269-55-03

Тошкент темир йўл транспорти муандислари институти томонидан 1991 й. да Тулганов Шавкат Убайдуллоевич номига берилган 301816 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилоят. Зангиота т. хўжалигида (28.04.2003 й., реестр № 86) рўйхатдан ўтган “NUR TILLA” ХФга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилоят. Зангиота т. хўжалигида (23.01.2012 й., реестр № 3857) рўйхатдан ўтган “MED REALIST” МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмасор т. ТСРҲИ карори билан рўйхатга олинган “GLOBAL NEFT SERVICE” ХК ташкилий-ҳуқуқий шакли “GLOBAL NEFT SERVICE” МЧЖга узариши ҳамда Устав фонди 414 400 000 сўмдан 112 950 000 сўмга қамайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Олмасор т. хўжалиги ҳуқуқидоғи ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган “ASA IDEAL MEBEL” МЧЖга тегишли бурчак муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмасор т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган “ZAMIN ENERGIYA TA MIRLASH” МЧЖнинг Устав фонди 415 000 000 сўмдан 100 000 000 сўмга қамайирилди.

Сундубоев номидаги Республика медицина билим юрти томонидан 1980 й. да Махамедова Мамура Тешабайева номига берилган (Т-1) № 286728 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Шаҳнонотхур т. ТСРҲИда (реестр № 003798-09-14-12-2009 й.) рўйхатга олинган “BEST FINCHUZA” МЧЖ (СТПР 301402036) тугатилади (28.08.2015 й.даги 8-сонли баённома қарорига асосан). Давлолар 2 ой мобайнида +99890 355-00-39 тел. рақамда қабул қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРҲИда (реестр № 005382-01, 04.10.2012 й.) рўйхатга олинган “NEW MAX BUSINESS” МЧЖ Унвон т. ТСРҲИда (реестр № 007009-01, 04.02.2015 й.) рўйхатга олинган “NEW CAR STAR” МЧЖга бирлаштирилди. “NEW MAX BUSINESS” МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича “NEW CAR STAR” жавобгар ҳисобланади. Тел.: 174-98-38.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-иқтисод комплекси таркибидида ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарход ОМОЙЕВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдижаббар ТАЛИКОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

Телефонлар: Кабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

Худудлардаги мухбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Вилоятлар: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99894) 374-77-62; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Набатчи муҳаррир: А.ҚАРШИБ, М.САУДИ, Х.АБДУГАНИЕВ. Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г-919, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 01.15. 15784 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. E-mail: info@qishloqhayoti.uz. Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сақланади. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Босма Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5